



ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ЎРТАСИДАГИ АЗАЛИЙ ДЎСТОНА АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов 23-24 апрель кунлари ташриф билан Самарқанд шаҳрида бўлди.



Ташриф доирасидаги асосий тадбирлар 24 апрель кунни бўлиб ўтди. “Буюк ипак йўли” мажмуаси Конгресс марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов тор доирада ва расмий делегациялар иштирокида музокара ўтказдилар.

Учрашув аввалида Туркменистон етакчиси давлатимиз раҳбарига Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Кўп қиррали ҳамкорлик барча йўналишларда, шу жумладан, сиёсий, парламентлараро, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳаларда жадал ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Барча даражаларда самарали мулоқот олиб борилмоқда. Ҳукуматлараро комиссия йиғилишлари, Ишбилармонлар кенгаши, Худудлар форуми, маданият кунлари, кўргазмалар ва бошқа тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1,1 миллиард долларни ташкил этди. Пойтахтларда савдо уйлари очилиб, юк ташини ҳажми ошмоқда. Яқин йилларда товар айирбошлашни 2 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган.

Энергетика, транспорт, қишлоқ ва сув хўжалиги, иқтисодиётнинг бошқа

тармоқларида ўзаро манфаатли кооперация ривожланмоқда. Биргаликда “Шовот-Товуз” чегараоиди савдо зонаси ташкил этилмоқда.

Фаол худудлараро мулоқотлар йўлга қўйилган, маданий-гуманитар алмашинув бўйича катта дастурлар амалга оширилмоқда. Жорий йилда Хива шаҳрида учинчи Худудлар форумини ҳамда Ўзбекистонда Туркменистон маданияти кунларини ўтказишга келишиб олинди.

Ўзбекистон ва Туркменистон етакчилари минтақавий шерикликка доир масалалар, шу жумладан, “Марказий Осиё плюс” форматидagi бўлажак саммитлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувига тайёргарлик кўриш юзасидан фикр алмашдилар.

Давлатимиз раҳбари Туркменистон ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан эълон қилинган “Халқаро тинчлик ва ишонч йили” доирасида жорий йил декабрь ойида Ашхобод шаҳрида ўтказиладиган форум ва бошқа халқаро тадбирлар муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон Президенти Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов кўрсатилган унинг қаламига мансуб “Тафаккур гавҳари” китобининг ўзбек тилидаги нусхасини топширди.

Икки томонлама музокаралар якунида Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовга Ўзбекистон Республикасининг юксак давлат мукофоти — “Олий Даражали Дўстлик” орденини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари мукофотни топширар экан, Гурбангули Бердимухамедовнинг қардош мамлакатларимиз ўртасидаги аънавий дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашдаги улкан хизматларини эътироф этди.

— Қардош Туркменистоннинг барча улкан ютуқлари, кенг кўламли янгиланишлари ва халқаро майдондаги нуфузи юксалиши Сизнинг номингиз билан чамбарчас боғлиқ, — деди Ўзбекистон Президенти.

Туркменистонда иқтисодиётнинг барқарор ўсиши таъминланмоқда, аҳоли фаровонлиги изчил юксалинмоқда.

Президентимиз Туркман халқининг миллий етакчиси томонидан илгари сурилаётган глобал хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш йўлидаги халқаро ташаббусларни алоҳида қайд этди. Гурбангули Бердимухамедовнинг шахсий саъй-ҳаракатлари туфайли Ўзбекистон — Туркменистон муносабатлари бугунги кунда юксак даражага чиққани, ҳақиқатан намунавий тус олгани таъкидланди.

— Шахсан Сизнинг кўмагингиз билан 2017 йилда давлатларимиз стратегик шериклигининг мустаҳкам асоси яратилди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мамлакатларимиз парламентлари, ҳукуматлари, худудлари, ишбилармонлари, жамоатчилиги, зиёлилари ва ёшлари ўртасида

фаол мулоқотлар, савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича дастур ва лойиҳалар амалга оширилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик юксак эътирофга лойиқ. Масалан, ўтган йили Ашхобод ва Тошкентда Махтумқули асарларининг ўзбек тилидаги тўплами тақдирот қилинди, шунингдек, Ашхобод халқаро кинофестивалида ўзбек-туркман бадиий фильмининг премьераси бўлиб ўтди.

Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов кўрсатилган юксак ҳурмат ва эҳтиром учун Президент Шавкат Мирзиёев ва ўзбек халқига миннатдорлик изҳор этди. Азалдан қардош бўлиб, яқин қўшничилик аънавалари асосида яшаб келаётган ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик бундан буён ҳам мустаҳкамланиши, бу эзгу ишга ҳисса қўшиш у учун шараф эканлигини таъкидлади.

Маросимда сўзга чиққанлар Гурбангули Бердимухамедовга Ўзбекистон Республикасининг олий мукофоти топширилиши кўп миллатли халқимизнинг атоқли давлат арбоби, бугунги Туркменистоннинг миллий етакчиси ва меъмори сифатида ифодаси бўлганини таъкидладилар.

Расмий тадбирлар якунлангач, Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедов Конгресс марказининг Фахрий меҳмонлар хиббонида биргаликда эман дарахтини экдилар.

Маросим икки қардош халқ ўртасидаги кўп асрлик мустаҳкам дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари, Ўзбекистон — Туркменистон стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш бора-сидаги қатъий интилишнинг рамзи бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов билан бирга Самарқанддаги халқаро туризм марказида ташкил этилган “Замонлар садоси” кўргазмасига ташриф буюрдилар.

Меҳмонларга кўргазманинг асосий қисми — тунги саҳро манзараси намоиши этилди. Юлдузли осмонда буржлар, Мирзо Улугбек ҳаритаси ва меридианлар намоён бўлди. Томошабин худди Буюк ипак йўли бўйлаб ҳаракатланаётган қарвон каби кум

тепаликлар орасидан ўтади. Йўл бўйлаб инсоният цивилизациясининг ривожланиш тарихи ёритиб борилади.

Йўлда туркман ўтовни учрайди. Туркман бахшисининг қўшиғи янграйди.

Ўзбек ва туркман аёллари, бири сўзана тикса, иккинчиси туркман гиламини тўқийди.

Усталар ва бунёдкорлар шаҳрида расомлар, ҳунаромонларнинг нозик дид ва юксак маҳорат билан яратилган ижодий асарлари намоён бўлади.

Ўзбек ва туркман санъаткорлари ижросида дутор ва танбур чалинди, буюк шоирлар Алишер Навоий ва Махтумқули ғазаллари ўқилди.

Инновацион тақдиротда махсус жолалар ва театрлаштирилган саҳналар кенг қўлланилгани меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Айтиш мумкинки, мазкур кўргазма — биродарлик тарихи, ўтмишдан дарс олиб, келажақни ҳамкорликда қуриш сари чакриқ. Халқларни яқинлаштириш учун кўпроқ кўприклар керак бўлган бир пайтда ана шундай экспозиция орқали қўшни мамлакатга “Бизни фақат тарих эмас, балки умумий келажақ бирлаштиради”, дея олиш — юқори дипломатия намунаси.

Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовнинг юртимизга амалга оширган ташрифи якунланди. Олий мартабали меҳмонни Самарқанд халқаро аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кузатиб қўйди.

Ҳеч шубҳасиз, Туркман халқи миллий етакчисининг мамлакатимизга ташрифи ва давлатимиз раҳбари билан ўтказган самарали музокаралари Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантиришга ҳамда азалий қардош ўзбек ва туркман халқларининг дўстона алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан тарихий аҳамият касб этади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБОВЕВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари**

ЎЗБЕК — ТУРКМАН МУНОСАБАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ МИНТАҚАВИЙ ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК АРХИТЕКТУРАСИГА ҚЎШИЛГАН ҲИССА

Ўзбекистон ва Туркменистон етакчиларининг Самарқандда бўлиб ўтган учрашуви якунларига хориждан муносабат



23-24 апрель кунлари Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

Самарқанд шаҳридаги “Буюк ипак йўли” мажмуасининг Конгресс марказида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркман халқи миллий етакчисининг икки томонлама музокаралари бўлиб ўтди. Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

➡ Давоми 2-бетда



МАРКАЗИЙ ОСИЁ БИРЛИГИ, СИЁСИЙ ИРОДА, ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ҚЎШМА ТАШАББУСЛАР

Йирик иқтисодиётга эга давлатлар ўртасида бошланган савдо урушлари ўзаро низолашув ва қуроли тўқнашувлар туфайли ўзи шундоқ ҳам қалтис бўлиб турган вазиятни баттар мураккаблаштирмоқда. Бу нафақат ривожланган, балки барқарор тараққиёт йўлига ўтаётган мамлакатлар учун ҳам ғоят хатарли.

Дунёнинг ҳозирги умумий иқтисодий ҳолати узун қоронги йўлакка ўхшайди. Нари бора, 2-3 қадамлик масофани кўриш мумкин, ундан нариёнда нима бор-йўқлиги, нима кутаётгани мавҳум. Бу шундай ҳолатки, йўлнинг ёруғ бўлишини, мавҳумлик тарқалишини кутадиган пайт эмас. Дунё мувозанати қайта қурилаётган ҳозирги шароитда янги ва истиқболли йўللари, бу йўлда ишончли ҳамкор ва ҳамроҳларни излаб топадиган, барқарор тараққиёт учун замин яратадиган фурсат.

Мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида бошланган шиддатли ва ортга қайтмас ислохотлар, фаол ташқи сиёсат айна қоронги йўлни ёритувчи маёқ бўлаётгани билан аҳамиятли.

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТ ЯРАТМОҚДА

Масалан, жорий йил 3-4 апрель кунлари Самарқандда бўлиб ўтган “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммитида эришилган келишувлар, ахдномалар, битимлар ҳанузгача эксперт ва мутахассислар орасида қизгин муҳокама қилинмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки мазкур саммит Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон учун халқаро сиёсий майдонда муҳим бурилиш нуқтаси ўлароқ, кўп томонлама муносабатларда янги саҳифа очди.

Зеро, глобал иқтисодий-сиёсий мураккаб вазиятда Марказий Осиёга қизқиш ортиб бораётти. Мана шундай шароитда Европа Иттифоқи барқарор ривожланиш, манфаатдорлик, ўзаро боғлиқлик ва сармоявий жозибадорлик тамойиллари асосида минтақа билан ҳамкорлиқни кенгайтиришга интилишини намоиши этди. Ўзбекистон учун мазкур машварат Европа Иттифоқи билан ҳамкорлиқни янги босқичга кўтариш, сармоя ва технологияларни жалб қилиш, жаҳон миқёсида ўз ўрнини мустаҳкамлаш учун ноёб имконият бўлди, десак янглишмаган бўламиз.

Европа Иттифоқи — Марказий Осиёнинг асосий учта ташқи савдо ҳамкорида бири. Бундан ташқари, минтақа мамлакатларига йўналтирилган барча сармоянинг 40 фоиздан ортиғи Европа Иттифоқидаг аъзо давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Энди Европа ва Марказий Осиё ўртасидаги савдо-сотиқ тезлашадиган бўлди. Аввалгидек махсулотларни ташини учун бир неча ой сарфлашнинг зарурати йўқ. Боз устига, Европа Иттифоқи минтақамизга сармоясини қайтариб бериш, аксинча, қўпайтириш ниятида.

Самарқандда бўлиб ўтган муҳокамада коммуникативлар, муҳим хомашё соҳасидаги ҳамкорлик, атроф-муҳит муаммолари, сув ресурслари, иқлим ўзгариши ва албатта, яқин атрофимиздаги хавфсизлик бўйича ҳамкорлик ҳақида сўз борди. Айни мавзулар бугун ҳар икки томонни ўйлантираётган, ҳамкорликка қорлаётган долзарб масалалардир.

➡ Давоми 3-бетда

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИККИ ҚАНОТИ ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗНИНГ УЧИНЧИ ТЎЛҚИНИ РЎЙ БЕРАДИМИ?

Давлатни қўқдаги қуш деб тасаввур қилсак, иқтисодиёт унинг қуввати. Қушнинг осмонда узоқ вақт, баланд учиши манбаи мана шу куч-қудрат, экспорт ва импорт эса қушнинг икки қанотидир. Бу икки қанотнинг қанчалик соғлом экани, нақадар фаол ҳаракатда бўлиши қушнинг кучига куч қўшади, парвози янада юксак ва барқарор бўлишини таъминлайди. Шу боис, мамлакатлар тинимсиз иқтисодиётни кўтариш, экспорт ва импортни фаоллаштириш учун турли ислохотлар, ўзгариш ва янгиланишларни амалга ошириб келади.

➡ Давоми 4-бетда



ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ: ҲУҚУҚ ВА ИМКОНияТЛАР



Нуқтаи назар

Бугун юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат ҳамда 16 та конфессия вакиллари бағрикенглик тамойили асосида тинч-тотув яшаб келмоқда. 2174 та исломий ва 198 та ноисломий диний ташкилот фаолият кўрсатяпти. Сўнгги саккиз йилда Ўзбекистонда жами 130 та — 3 та олий ва 1 та ўрта махсус ислом билим юрти, 102 та масжид ҳамда турли конфессияга тааллуқли 24 та ноисломий диний ташкилот давлат рўйхатидан ўтказилди.



Содиқ ТОШБОЕВ,
Дин ишлари бўйича қўмита раиси

таъминлашга қаратилган долзарб илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ҳамда халқаро ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш вазифалари кўрсатиб ўтилган.

“Хужжатда белгиланган вазифалардан англаш мумкинки, мамлакатимизда “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган халқчил тамойилга асосланган ислохотлар диний-маърифий соҳада ҳам тизимли равишда кечмоқда.



ЎЗБЕК — ТУРКМАН МУНОСАБАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ МИНТАҚАВИЙ ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК АРХИТЕКТУРАСИГА ҚЎШИЛГАН ҲИССА

Бошланиши 1-бетда

Қўп қиррالي ҳамкорлик барча йўналишларда, шу жумладан, сиёсий, парламентлараро, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳаларда жадал ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, халқаро таҳлил ва эксперт доиралари вакиллари Туркман халқи миллий етакчисининг Самарқандга ташрифи ва икки қўшни давлат ҳамда қардош ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги тарихий ришталарни янада мустаҳкамлашга қаратилган самимий мулоқотни юксак баҳоламоқда.

**Ян ЧЭН,
Шанхай хорижий тиллар университетининг Шанхай Глобал бошқарув ва худудий тадқиқотлар академияси директори, профессор:**



— Ҳозирги босқичда Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги муносабатлар дўстлик, яхши йўналишчилик ва ўзаро ҳурмат тамойиллари асосида муваффақиятли ривожланмоқда. Икки давлат раҳбарлари ўртасида йўлга қўйилган очиқ ва ишончли мулоқот кўп қиррالي Ўзбекистон — Туркманистон стратегик шериклигини мустаҳкамлашнинг асосидир.

Икки қардош халқ ўртасидаги муносабатларнинг бугунги даражасига Президент Шавкат Мирзиёев ва Миллий етакчи Гурбангули Берdimухамедовнинг мустаҳкам сиёсий иродаси ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлари пойдевор яратди. Бу саъй-ҳаракатлар икки давлат кун тартибидagi кўплаб фундаментал масалаларни ҳал этишда асосий омил бўлмоқда.

Олий даражадаги ўзаро алоқалар мамлакатларнинг конструктив сиёсий мулоқотини янада мустаҳкамлаш ва ўзаро манфаатли

савдо-иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришга интилишининг ёрқин далилидир.

Хитой Ўзбекистон ва Туркманистоннинг чегарадош вилоятлари ўртасида интенсив ҳамкорлигининг ривожланиши, транспорт соҳасида мақсадли лойиҳалар амалга оширилаётганини муҳим деб ҳисоблайди. Икки давлатнинг интеграциялашган автомобиль ва темир йўллари учинчи мамлакатлар учун транзит вазифасини бажаряпти, шунингдек, соҳадаги йирик лойиҳаларни амалга оширишда ўзаро ҳамкорлик кучаймоқда.

Расмий Тошкент ва Ашхобод Марказий Осиё трансчегаравий дарёларининг сув-энергетика ресурсларидан оқилона ва комплекс фойдаланиш ҳамда минтақанинг экологик



барқарорлигини таъминлашга устувор аҳияят қаратмоқда. Шу нуқтаи назардан, икки давлат ўртасида экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва сув ресурсларини ҳимоя қилиш соҳаларида узоқ муддатли конструктив ҳамкорлик изчил ривожланиб кетди.

Икки томонлама муносабатларнинг яна бир муҳим йўналиши транспорт-транзит соҳасидир. Транспорт-логистика алоқаларининг ривожланиши ҳамкорлик жараёнларини жадаллаштиришга хизмат қилади. Икки давлат ўртасидаги транспорт алоқаларининг интеграциялашуви учинчи мамлакатлар ва минтақалар бозорларига тез чиқиш имконини беради. Томонлар Ўзбекистон — Туркманистон — Каспий — Кавказ транспорт йўналиши имкониятларини максимал даражада оширишга интиляпти. Ушбу коридор Грузия ва Туркиянинг Қора денгиз портларига, шунингдек, Европа Иттифоқи бозорларига чиқишни таъминлаш учун мўлжалланган.

СИЁСАТ



ҳиссини ошириш, жамиятда конфессиялараро тотувлиқ ва диний бағрикенгликни янада мустаҳкамлаш мақсадида қўмитанинг Конфессиялар ишлари бўйича кенгаши фаолияти такомиллаштирилди.

Хусусан, кенгаш таркибига сиёсий арбоблар, жамоатчилик фаоллари, диншунос олим ва мутахассисларни кузатувчи сифатида киритиш, кенгашга диний конфессияларнинг муаммолари бўйича давлат ва нодавлат ташкилотларга сўров, мурожаат ва тавсиялар юбориш ҳуқуқини бериш, шунингдек, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона вилоятларида худудий кенгашлар ташкил этиш ҳамда кенгаш томонидан турли конфессияларга оид диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари ўртасида спорт мусобақалари, интеллектуал ўйинлар, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш каби вазифалар белгиланди. Шунингдек, кенгашнинг янгиланган таркиби ҳам тасдиқланди.

Хужжатга асосан, Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси маркази муассислигида Баҳоуддин Нақшбанд илмий-тадқиқот маркази ташкил этилади. Бундан мақсад Баҳоуддин Нақшбанд ва нақшбандийлик тариқати алломаларининг юксак инсонпарварлик ғояларини илмий асосда ўрганиш, ёш авлодни бағрикенглик ҳамда ўзаро ҳурмат руҳида тарбиялаш, тасаввуф таълимоти тарихи ва унинг бугунги кундаги аҳамиятини илмий тадқиқ этиш, “Етти пир” алломалари ва азиз авлиёларнинг бой илмий-маънавий меросини халқаро майдонда кенг тарғиб қилишдир.

Шунингдек, нақшбандийлик таълимотининг эзгу ғояларини тадқиқ этиш учун илмий-назарий ва услубий масалаларга бағишланган анжуман, конференция, кўргазма, семинар-тренинг, танловлар ҳамда бошқа маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш ва тасаввуф таълимотининг илмий асосланган ғояларини тарғиб қилиш, сохта тариқатчиликнинг олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш кабилар ҳам марказнинг асосий вазифалари сирасига киради.

Бундан ташқари, фармонга асосан, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази Вазирлар Маҳкамаси бўйсунувига ўтказилди. Марказ исломшунослик йўналишидаги илмий тадқиқотларни ҳамда дин билан боғлиқ жараёнлар бўйича таҳлилларни амалга оширувчи илмий-тадқиқот муассасаси этиб белгиланди.

Марказ Имом Мотуридий, Абу Муин Насафий каби буюк аллома аждодларимиз қолдирган бой маънавий меросни ўрганиш, жаҳон илм-фани ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини халқимиз, айниқса, ёшларга етказди, улар яратган асарларнинг илмий-иқтисодий таржима ва қўсий матнларини нашр этади. Мамлакатимиз ҳудудида рўй берган Биринчи ва Иккинчи Ренессанснинг илмий-назарий асосларини тадқиқ этиб, янги Ўзбекистон тараққиётининг маънавий пойдеворини яратишда иштирок этади.

Шу билан бирга, ислом динининг инсонпарварлик моҳияти, маърифий-маданий роли ва ривожланиш йўналишларини илмий асосда ўрганиш ва кенг оммага, жумладан, халқаро жамоатчиликка етказиш. Диний таълим муассасаларига илмий тадқиқот ва ўқув-услубий масалаларда ҳамда педагог кадрлар ва диний ходимлар малакасини оширишда амалий ёрдам кўрсатади. Ижтимоий-маънавий таъриб барқарорлигини сақлаш, ёшларни ёт ғоялар таъсиридан асрашга қаратилган стратегик аҳамиятга эга лойиҳа ва ташаббусларни ишлаб чиқади.

Мазкур фармонда белгиланган яна бир муҳим жиҳат шуки, диний-маърифий соҳадаги тадқиқотлар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида доимий асосда фаолият кўрсатувчи Диний-маърифий соҳада таълим, фан ва илмий-тадқиқотга оид фаолиятни мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилди ҳамда унинг таркиби тасдиқланди.

Ушбу кенгаш диний-маърифий соҳада таълим, фан ва илмий тадқиқот ишларининг барча жараёнларини мувофиқлаштириш масалаларига масъул бўлган масъулаҳат органи ҳисобланади. Унинг асосий вазифалари этиб “Учинчи Ренессанс — Янги Ўзбекистон” ғояси асосида буюк аждодларимиз илмий меросида улуғланган ватанпарварлик, бағрикенглик каби умуминсоний ғояларни аҳоли орасида кенг тарғиб этиш, диний-маърифий соҳадаги муассасалар фаолиятини чуқур ўрганиб бориш, ўқув-тарбия жараёнига илғор ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялар, инновацион ишланмаларни татбиқ этиш ҳамда илмий ва услубий фаолиятини мувофиқлаштириш белгиланган.

Шунингдек, соҳа ташкилотларида тўп-ланган илмий-услубий ишланма ва тажрибаларни таҳлил этиш асосида улардаги таълим мазмунини такомиллаштириш ва мувофиқлаштириш, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқишда узвийлик

тамойилларини таъминлаш, диний мазҳаб-республиканинг барча таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида бажариладиган тадқиқотлар мазҳаб ва йўналишларининг аҳамияти, долзарблиги юзасидан тегишли тавсияларни бериш ҳам кенгаш вазифаси ҳисобланади.

Фармонга биноан, Ўзбекистон халқаро ислом академияси Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси этиб қайта номланди.

Академия исломшунослик ва диншунослик соҳаларида мутахассислар, ўқув дастури, қўланма ва дарсликларни тайёрлашга иктисослашган таянч давлат олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси бўлади. Унинг асосий вазифалари этиб исломшунослик, диншунослик, дин психологияси, ислом иқтисодиёти, манбаишунослик, халқаро муносабатлар ва эҳтиёж мавжуд бўлган бошқа соҳалар бўйича кадрлар тайёрлаш белгиланди.

Шу билан бирга, таълим жараёнига илғор педагогик технологиялар, илм-фан ва техниканинг сўнгги ютуқлари ҳамда етакчи хорижий олий таълим ташкилотлари тажрибаси асосида ишлаб чиқилган таълим дастурларини жорий этиш, қолаверса, виждон эркинлиги ва конфессиялараро бағрикенгликни таъминлаш, радикаллашув, экстремизм ва терроризмга қарши курашиш ҳамда диний соҳадаги давлат сиёсатининг асосларига оид илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш ҳам академиянинг вазифасидир.

Ўз навбатида, диний-маърифий йўналишда илмий, илмий-оммабоп адабиётлар тайёрлаш ва нашр қилиш, шунингдек, интернет тармоғида таълим ресурсларини жойлаштириш ва мунтазам янгилаб бориш, талабаларга юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни ривожлантириш, ватанга муҳаббат, унинг тақдирига дахлдорлик, касбга садоқат ҳиссини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёни ҳамда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ҳам академиянинг асосий вазифалари сирасидан.

Фармон асосида академияга ўқув-илмий жараёнларга жалб этилган юқори малакали хорижий мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб белгилаш, етук хорижий мутахассисларни жалб қилиш ҳамда академия вакилларини хорижий илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларига малака ошириш ва тажриба орттириш учун юбориш, ўз грифи асосида дарсликлар ҳамда бошқа ўқув ва илмий адабиётларни яратиш ва нашр этиш каби ҳуқуқлар ҳам берилди.

Хужжатда белгиланган вазифалардан англаш мумкинки, мамлакатимизда “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган халқчил тамойилга асосланган ислохотлар диний-маърифий соҳада ҳам тизимли равишда кечмоқда.

Бу эса юртимиздаги турли дин ва миллат вакилларининг ўзаро ҳамжиҳатлик, аҳиллик, меҳр-оқибатда яшашига, пировақарида мамлакатимизда тинчлик, оқойишлик ва барқарорлигини янада мустаҳкамлашга асосдир.

Мазкур фармон юртимиз фуқароларининг виждон эркинлиги ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда диний-маърифий соҳадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш йўлида ўз вақтида қабул қилинган муҳим ва зарурий ҳужжат бўлди.

ЎЗБЕК — ТУРКМАН МУНОСАБАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ МИНТАҚАВИЙ ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК АРХИТЕКТУРАСИГА ҚЎШИЛГАН ҲИССА

трансконтинентал йўналишлар, жумладан, Жанубий Осиёга олиб борувчи йўлақларни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Икки мамлакат ўртасида юк ташиш ҳамини ошириш ва инфратузилмани ривожлантириш Покистон портлари, жумладан, Карачи ва Гвадар билан интеграция истиқболларини очади.

Маданий нуқтаи назардан, Туркманистон ал-машинавулар фаоллашган, Ўзбекистонда Туркманистон маданияти кунларининг ўтказилиши халқлар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамламоқда. Бу, айниқса, маданий дипломатия тинчлик учун кучли воқеага айланган бораётган глобал бекарорлик шароитида муҳим аҳамиятга эга.

Икки давлат етакчиларининг музокара-лари кун тартибига минтақавий ҳамкорлик масалалари киритилгани мамлакатлар учун тинчлик ва хавфсизлик муҳимлигини кўрсатади.

Музокара-лар кун тартибига “Марказий Осиё плюс” ва Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви каби истиқболли минтақавий форматларга оид масалалар киритилгани эса минтақа давлатларининг кўп томонлама ҳамкорлигининг барқарор механизмларини яратиш истагини билдиреди.

Ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон — Туркманистон муносабатларининг ривожланиши нафақат икки томонлама ютуқ, балки минтақавий тинчлик ва хавфсизлик архитектура-сига қўшилган ҳиссадир. Покистон экспертлар ҳамжамияти бу каби саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди ва Марказий Осиё келажаги бирдамлик, прагматизм ва очикликда деб ҳисоблайди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ БИРЛИГИ, СИЁСИЙ ИРОДА, ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ҚЎШМА ТАШАББУСЛАР



Исmoil САИФНАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

Бу қизиқишнинг асосий сабабларидан яна бири дунёда давом этаётган геосиёсий беқарорликдир. Халқаро майдондаги қарама-қаршилиқ Марказий Осиё минтақасига қизиқишни оширмоқда.

Марказий Осиё давлатлари учун ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилишда кўп қиррали ташқи сиёсат юритиш мақсадга мувофиқ. Минтақамиз тобора интеграциялашаётган экан, “Марказий Осиё+” форматидagi мулоқотларнинг ўрни катта деб ўйлайман.

Бу мулоқот формати давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва минтақа етакчиларининг сиёсий иродаси билан фаол ишга тушиди. Кейинги йилларда у чинакам интеграцион платформага эга бўла бошлади. Бугун эса ҳар йили халқаро майдоннинг етакчи томонлари билан учрашувлар ўтказилмоқда. Бу барча геосиёсий келишмовчиликларга нисбатан Марказий Осиё давлатларининг позицияси ўхшашлиги билан боғлиқ минтақадаги барча давлат кескинлигини камайтириш ва мамлакатлар ўртасидagi низоларни дипломатик тарзда ҳал этиш тарафдори. Бунинг асосли сабаби бор: қитъанинг ичида жойлашган, денгизга чиқиш имконияти йўқ, лекин айтил пайтда икки геосиёсий гигант билан чегарадош, Европа Иттифоқи ва АҚШ билан жуда яқин савдо-иқтисодий ва сиёсий алоқаларга эга бўлган Марказий Осиё қарама-қаршилиқ майдонига айланишдан, шубҳасиз, манфаатдор эмас.

Шу боис, кўп векторли нафақат давлат, балки минтақавий сиёсатнинг ушбу нозик мувозанатини сақлаб қолиш учун барча сайёҳаракатларимизни амалга ошириш умумий манфаатларга тўғри келади. Бундай мунтазам тадбирлар, “куч марказлари” билан учрашувлар, юқори даражадаги мулоқотлар мутлақо табиий зарурат. Биз учун доимо барча тарафни Марказий Осиё минтақасининг сайёҳаракатлари, манфаатлари ҳақида хабардор қилиш, томонларни тинчликка чақиритиш, умумий позициямизни билдириш низоҳатда муҳим, чунки жамоавий овоз кучлироқ янграйди.

Агар Марказий Осиё давлатларининг ҳар бири бир хил сўровлар билан алоҳида икки томонлама форматда учрашув ўтказса, жамоавий тадбирдан кўра қамроқ самарга эга бўларди. Бизнинг бу борадаги интилишларимизни ЕИ қўллаб-қувватлаётти. Жаҳондаги қарама-қаршилиқлар шароитида ЕИ янги бозорлар қидирмоқда. Бу бозор, шубҳасиз, катта хомашё ресурслари, нодир металлларга бой, салоҳиятли ишчи кучига эга Марказий Осиёдир.

Шу маънода, иқтисодий ҳамкорликнинг иккита асосий йўналишини ажратиб кўрсатиш ўринли. Бўлар: энергетика ва қайта тикланадиган энергия манбалари. Чунки Марказий Осиё шамол ва кўш энергетикасини ривожлантиришга хизмат қиладиган кенг майдонлар тўғрисида қайта тикланадиган энергия манбалари бўйича катта имкониятга эга. Худуддаги муҳим хомашё, унинг ўзлаштирилиши алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Нодир ер материалларига келганда, ҳозир ЕИ мамлакатлари Хитойга бирмунча қарам. Шу нуқтан назардан, Марказий Осиё билан ҳамкорлик хомашё етказиб беришни диверсификация қилишга ёрдам бериши мумкин. Шу жиҳатдан ҳам Европа ва Марказий Осиё ўртасидаги муносабатларда янги давр бошланишига умид қилинати.

“Буюк давлатлар” ўртасидаги рақобат кучайиб бораётган, глобал таъминот занжирлари қайта тузилаётган ва Европа Иттифоқи иқтисодий барқарорликни стратегик мақсад қилиб қўйган бир пайтда Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги муҳим хомашё бўйича шериклик Евроосиёдаги геосиёсий иқтисодий сиёсатнинг муҳим таркибий қисмига айланмоқда.

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТ ЯРАТМОҚДА

Шу билан бирга, ЕИ улкан глобал экологик офат — Орол денгизи инқирозини енгиллаштиришда Ўзбекистон ва минтақамизга ҳолис, бегараз ёрдам кўрсатаётгани эътиборга молик. ЕИ зарар кўрган ҳудудлардаги ерни тиклаш, чўлланишга қарши курашиш ва иқлим ўзгаришининг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини юмшатиш бўйича қатор лойиҳаларни биргаликда амалга ошириб келмоқда. Самарқанд халқаро иқлим форумида минтақанинг “Яшил” тараққиёт концепцияси тақдими ҳам бўлиб ўтди. Бу Марказий Осиё давлатларининг иқлим ўзгариши соҳасида ягона минтақавий ёндашувини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилди. Унда етакчи халқаро ташкилотларнинг минтақадаги экологик муаммоларни ҳал қилиш бораидаги ёндашувлари тақдим этилди.

Сув ресурсларини тежаш соҳасида Европа Иттифоқи катта тажрибага эга. Бу борада Европа Иттифоқи билан ирригация инфратузилмасини модернизация қилишдан тортиб, музликларни биргаликда кузатиш ва илгор сув тежовчи технологияларни жорий этишгача бўлган йўналишларда ҳамкорлик учун катта имконият мавжуд.

Устувор йўналишлардан яна бири экотизимлар ва биохилма-хилликни тиклашдир. Таназзулга учраган ерлар, жумладан, Оролбўйи ҳудудини кўкаламзорлаштириш бўйича кенг кўламли дастур — “Марказий Осиёнинг яшил белбоғи” лойиҳасини амалга оширишда Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик қўл келади.

Умуман олганда, Самарқандда ўтган тарихий тадбирлар Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасидаги жадал ҳамкорликка янги суръат бағишлайди. Минтақамиз жаҳон сиёсатининг муҳим геосиёсий субъектига айланаётгани тўғрисида Европа дунёнинг бу қисмида ўз иштирокини кучайтириши керак қабилидаги қаққирлар кўҳна қитъада тобора баянлаб янграмоқда. Қолаверса, 27 аъзони

тажрибасидан фойдаланиш, минтақамизда табиқ этиш фойдадан холи эмас. ЕИ доирасидаги рақамли хизматлар (DSA) ва сунъий интеллект тўғрисидаги қонуларни (AI Act) катта муваффақият сифатида таъкидлаш мумкин. Чунки булар орқали Европа Иттифоқи онлайн хавфсизлик учун замонавий ҳуқуқий асос ва сунъий интеллектни бошқаришнинг глобал стандартларини тақдим этди.

ЕИ минтақамизга бу борада кўмак берапти. Олайлик, Марказий Осиёнинг рақамли трансформацияси учун 55 миллион евро ажратилган. Молиялаштириш телекоммуникация соҳасидаги ислохотлар, киберхавфсизлик ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилишга йўналтирилади. Сунъий йўлдош алоқаси соҳасида ҳам Европа хусусий сектори билан ҳамкорлик давом этмоқда.

Сув ресурслари ва энергияни барқарор бошқариш учун ЕИ 200 миллион евро сармоя киритди. Муҳим хомашё соҳасидаги ҳамкорлик учун 16 миллион евро, шунингдек, қайта тик-

“

“БУЮК ДАВЛАТЛАР” ЎРТАСИДАГИ РАҚОБАТ КУЧАЙИБ БОРАЁТГАН, ГЛОБАЛ ТАЪМИНОТ ЗАНЖИРЛАРИ ҚАЙТА ТУЗИЛАЁТГАН ВА ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ СТРАТЕГИК МАҚСАД ҚИЛИБ ҚЎЙГАН БИР ПАЙТДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ, ХУСУСАН, ЎЗБЕКИСТОН ВА ЕИ ЎРТАСИДАГИ МУҲИМ ХОМАШЁ БЎЙИЧА ШЕРИКЛИК ЕВРООСИЁДАГИ ГЕОСИЁСИЙ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТНИНГ МУҲИМ ТАРКИБИЙ ҚИСМИГА АЙЛАНМОҚДА.



ўзида бирлаштирган, 450 миллиондан зиёд фуқарога эга Европа Иттифоқи каби халқаро сиёсий ва иқтисодий кучлар билан мулоқотда тенг ҳуқуқли шерик сифатида иштирок этиш Ўзбекистоннинг дипломатик салоҳиятини мустаҳкамлайди. Шу сабабли “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити халқаро муносабатлар тизимида муҳим воқеа сифатида баҳоланади. У нафақат икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлайди, балки минтақавий барқарорлик, иқтисодий ўсиш ва сиёсий ҳамкорлик учун кенг имкониятлар эшигини очади.

ЕИ минтақага иқтисодиётнинг асосий тармоқларидаги хусусий инвесторлар ҳамда иқтисодий ривожланиш ва ҳудудларимиз ўртасидаги транспорт алоқаларини яхшилашга хисса қўшадиган ташаббуслар орқали кириб келмоқда. Чунки очигини айтганда, шунчаки маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўзи етарли эмас, маҳсулотни ташқи бозорларга етказиб бериш муҳим. Шу боис, Ўзаро товар айирбошларини ривожлантириш учун ҳудудларимиз ўртасида товар айирбошлаш узлуқсизлигини таъминлайдиган савдо йўллари очиб бўлиши, фаолият юритиши ва тақомиллаштирилиши жуда муҳим.

Бугун ЕИ юксак технологиялар, рақамлаштириш, сунъий интеллект соҳасида жадал ривожланган давлатлар ҳам-жамиятидир. Бу борада кўҳна қитъанинг

ланадиган энергия лойиҳалари учун 30 миллион евро сармоя қафолати ажратилди. 2021-2027 йилларда талабларнинг ҳабаб-қувватлиги ва ақадимки алмашинувнинг қўллаб-қувватлаш учун 73 миллион евро йўналтирилмоқда.

Эътиборли томони, Марказий Осиё тоза технологиялар учун энг зарур хомашё ресурсларига, улкан салоҳиятга эга. Бироқ Европа Иттифоқи фақат хомашёни олиб кетиш эмас, балки тўлиқ қиймат занжирини яратиш, яъни қазиб олишдан қайта ишлаш ва қайта тиклашгача бўлган жараёни шакллантиришни мақсад қилмоқда. Бу эса янги иш ўринлари очиб, юқори экологик ва ижтимоий стандартни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, Европа билан кўп асрлик тарихий алоқаларимиз бор. Буюк ипак йўли асрлар давомида Европани Марказий Осиё билан боғлаган. Нафақат савдо, балки ғоя, маданият ва инновация алмашинуви ҳам бўлган. Энди ушбу бой меросга таянган ҳолда қадимий анъаналарни замонавий ва узоқ муддатли ҳамкорликка айлантириш даври келди. Зеро, бугунги беқарор дунёда Европа ҳар доимгидек очкилик ва ҳамкорлик тарафдори бўлиб қоляпти.

Европа Иттифоқи учун Марказий Осиё муҳим ҳамкор. Шу ўринда тарихга мурожаат қилсак: олий даражадаги “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” форматини йўлга қўйиш



Европа Иттифоқи 70 йилдан кўпроқ вақт олдин кўмир ва пўлат иттифоқи сифатида бошланган ҳолда ҳозир дунёдаги энг қудратли иқтисодий ва сиёсий блоклардан бирига айланмоқда. Марказий Осиё ҳам келажақда шундай кучга айланиши мумкин.

Таълим соҳасида ҳам ҳамкорлик истиқболли. Охириги 10 йилда “Erasmus+” дастури доирасида 10 минг талаба ва мутахассис Европа ва Марказий Осиё ўртасидаги алмашинувда қатнашди. Бугун Ўзбекистон таълим ва кадрлар алмашинуви соҳасида Европа Иттифоқининг етакчи давлатлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ҳозир Тошкент шаҳрида Италиянинг Турин политехника университети, Германиянинг Гётте институти филиаллари фаолият юритмоқда. Қолаверса, Президентимизнинг шу йил мартда Францияга ташрифи доирасида Ўзбекистон — Франция университетини ташкил этиш тўғрисида ҳукуматлараро битим ҳамда француз тилини ўқитишни кенгайтириш тўғрисида баённома имзоланган эди. Шу боис, таълим, фан ва ёшлар сиёсатини ривожлантиришда ҳам саммит доирасида самарали платформалар яратиш кўзда тутилди.

Мисол учун, “Erasmus+”, “Horizon Europe” каби дастурларда Ўзбекистон иштирокчини кенгайтириш, таълим ва кадрлар тайёрлаш, академик алмашинувлар, тил ўрганиш ва инновацион тадқиқотлар соҳаларида Европа Иттифоқи тажрибаси шулар жумласидан. Президентимизнинг бу каби дастурларда Ўзбекистон иштирокини кенгайтириш, таълим ва кадрлар тайёрлаш, академик алмашинувлар, тил ўрганиш ва инновацион тадқиқотлар соҳаларида Европа Иттифоқи тажрибасини ўрганишга қаратилган навобатдаги ташаббусларни маърифатли, инновацион билимга эга ёшлар сафини кенгайтиришга шубҳа йўқ.

Янги Ўзбекистонда Ўйғониш маърифати, маъшъали қаттирилган. Президентимизнинг Учинчи Ренессанс пойдеворини қуряпмиз, деган сўзлари бугунги хорижий давлатлар раҳбарлари билан мулоқотларда, нотиқлиқда янгиланишлар, ўзгаришларда ўз нишонларини кўрсатмоқда. Ренессанс — ўйғониш маърифати, янги тараққиётнинг умумимиллий ҳаракати. У миллат тафаккурида тарқоққилини бартараф этиб, халқни ҳамжиҳат, кучли иқтидор, қудратли тўлқинга айлантиради.

Қайси давлат юксак тараққиётга эришган бўлса, бу фақат таълимга эътибор, илм-фанни ривожлантириш тўғрисида содир бўлганига тарихда мисоллар кўп. Демократик жамият асоси бўлган таълим ислохотлар, тараққиётни тарғиб қиладиган инновацияларга йўл очади. Аксинча, илмсизлик оқибатида нозга келган ва шундай бўлиб қолмоқда.

Европа Иттифоқи билан товар айирбошлаш ҳамим “GSP+” тартиби тўғрисида барқарор ўсиб бормоқда. 2024 йилда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи давлатлари ўртасидаги товар айирбошлаш қиймати 6,4 миллиард долларга етиб, 2023 йилга нисбатан 5,2 фоиз кўпайгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

2021 йилдан Ўзбекистон учун Европа Иттифоқининг барқарор ривожланиш ва самарали бошқарув бўйича махсус преференциялар тизими (GSP+) кучга кириши савдо айланмасининг ижобий динамикасига қўмаклашди. Ушбу тизимнинг бенефициар азоси сифатида Ўзбекистоннинг матолар, кийим-кечак ва пластик маҳсулотлар каби қатор муҳим экспорт товарларига тарифлар бекор қилиниши экспортимизнинг ўсиши ва мамлакатимизга қўшимча сармоя жалб қилинишига имкон беради.

Барқарор тараққиёт соҳасида “GSP+” олдидаги мажбурият Ўзбекистоннинг ишончли ва узоқни кўра оладиган иқтисодий шерик сифатидаги позициясини янада мустаҳкамлайди. Имтиёздан энг кўп қўланаётган маҳсулотлар таркибидан тўқимачилик, кийим-кечак, пластик маҳсулотлар, шунингдек, мева-сабзавот ва ёнғоқ ўрин олган. Бу эса Ўзбекистон экспорти тузилмалари ранг-баранглигини кўрсатади. Ушбу имтиёз тўғрисида ҳажми йилдан йилга ўсиб борапти. Қўшма лойиҳаларнинг амалга оширилиши эса Евроосиё қитъасининг индустриал харитасини тубдан ўзгартириб юборишга имкон беради. Чунки бундай ҳамкорликдан ҳар икки томон ҳам катта фойда кўради. Бунинг учун имкониятлар етарли.

Масалан, мураккаб геосиёсий вазият ва глобал иқтисодиётдаги салбий жараёнларга қарамай, Марказий Осиё мамлакатлари барқарор ўсиш кўрсаткичини намён этмоқда. Европа тикланиш ва тараққиёт банки таҳлилчиларининг сўнгги ўрганишларига кўра, минтақадаги умумий иқтисодий ўсиш жорий йилда 5,3-5,5 фоизни ташкил қиладиган. Европалик экспертлар эса Ўзбекистонда йиллик ўртача 6,5 фоизлик ўсишни прогноз қилмоқда. Аини пайтда мамлакатимиз ўз олдида “Ўзбекистон — 2030” стратегиясига асосан янги ички маҳсулот ҳажми ва аҳолининг реал даромадини икки баробар ошириб, даромад ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига киришни режалаштирган. Жадал саноатлаштириш сиёсати, жумладан, қайта ишлаш тармоқларига хорижий сармоя, хусусан, ЕИ давлатлари инвестицияларини кенг жалб этиш ушбу мақсадга эришишнинг асосий омилли бўлади.

Шу маънода, барқарор иқтисодий ўсишнинг муҳим омилли сифатида Ўзаро боғланган транспорт йўлакларини шакллантириш устувор масала. Аиниқса, Марказий Осиё ва Европанинг транспорт-коммуникациявий боғлиқлигини, энг аввало, Транскаспий транзит йўлагини шакллантириш орқали ривожлантириш мақсадида мамлакатларимизнинг сайёҳаракатини бирлаштириш муҳим. Бу йўл минтақанинг қиёфасини ўзгартириб, Хитойдан тортиб Марказий Осиё, Жанубий Кавказ, Туркия ва Европа каби бошқа минтақалар чегараларига уланиш, товар етказиш имконини беради. Мазкур йўлак Европада ҳам, Марказий Осиёда ҳам барқарорликни мустаҳкамлаш, сиёсий ва иқтисодий алоқаларни диверсификация қилиш учун ечимдир.

Давлатимиз раҳбари мазкур саммит олдида “EuropeNews”га берган интервьюсида алоҳида қайд этиб ўтганда, “Марказий Осиё глобал транспорт занжирларининг муҳим бўғинига айланоқда. Биз Транскаспий ва Трансфтон транспорт йўлакларини фаол ривожлантиряпмиз — бу мамлакатларимизнинг жаҳон бозорларига чиқиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қиладиган.

Шу тарзда Марказий Осиё энди тарихнинг четиди эмас, балки ўз стратегик кун тартибин шакллантираётган, жадал ривожланиётган минтақага айланоқда. Сиёсий ирода, юқори даражадаги ўзаро ишонч ва қўшма иқтисодий ташаббуслар минтақада барқарор ривожланиш учун янги имкониятлар яратди.”

Хуллас, имзоланган келишувлар, ЕИ манфаатли лойиҳалар учун ажратган 12 миллиард евро маблағ, илгари сурилган тақлиф ва ташаббуслар орқали тарихий алоқалар қайта мустаҳкамланди. Президентимиз бу билан дунёнинг Ўзбекистон ва минтақамизга ишончини тиклади. Буни ҳеч истисносиз Шавкат Мирзиёев феномени ва янги Ўзбекистонга ишончнинг амалий ифодаси дейишимиз мумкин.

Ортимизда ўтказилаётган ҳар бир тадбир, ҳар бир учрашув Президентимизнинг “биз эргашувчи эмас, эргаштирувчи бўлишимиз керак”, деган ғояларига мос келиши билан қалбимизда ифтихор уйғотади. Самарқанд декларацияси саммитнинг асосий натижаларидан бири бўлди. Бу ҳужжат томонларнинг стратегик шериклик ўрнатишга бўлган умумий интилишини акс эттирди. Декларация нафақат эришилган келишувларни мустаҳкамлайди, балки минтақаларимиз ўртасидаги алоқаларни чуқурлаштириш учун асос яратади.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ КЎП ЕТМАС СОҲА ЭМАС

Замонавий дунёда ақлий меҳнат ҳам бойлик манбаи эканини тушунишимиз керак



Дадахон МУҲАММАДИЕВ, журналист

Кўпчилигимиз АТ (ахборот технологиялари) деганда, бизга бегона, узокдаги кўл етмас соҳани тушунаемиз. Аммо ён-атрофимиз, қилаётган ишларимиз, кундалик турмушимиз шу соҳа билан чамбарчас боғланиб кетганини эътибордан четда қолдирамиз. Бу соҳани халқимиз орасида тарғиб қилиш, маъно-мазмунини тушунтириш ишлари бир оз оқсаеттандек, назаримизда.


Тўғри, бу борада бажарилаётган амалий ишлар эътироф этишга арзийди. Рақамли технологиялар вазирлиги ташкил этилиши, ҳар бир ҳудудда фаолият юритаётган ИТ парклар, бепул ёки арзон курслар фаолияти йўлга қўйилгани, грантлар ва стипендиялар ажратилаётгани, мутахассислар билан тинимсиз учрашувлар ўтказилиши соҳадаги ишларнинг қанчаллик кўламдор эканини кўрсатади. Гап АТ тарғиботи ҳақида экан, бу борадаги саъй-ҳаракатларимизнинг кўриниши ҳақида гапириб ўтиш жоиз. Ушбу соҳа нима экани ва имкониятлари ҳақидаги умумий маъмулдаги тушунтириш ишлари мунтазам олиб борилади. Унинг масофавий иш, юқори даромад манбаи ва эркин иш вақтига мослашгани ҳақидаги тарғиботларга ҳам кўп ғувоҳ бўламиз. Соҳада муваффақият қозongan инсонларнинг бутунги фаолияти ҳақидаги мисоллар кўрган кўзни қувнатгади. Аммо ана шу кўзни қувнатадиган жойида яна бир нозик жиҳат ҳам бори, бу айнан шу соҳа ва унга қизиққан инсон ўртасида чегаранинг ҳосил бўлишидир. Чекка ҳудудлардаги ҳамма одам ҳам АТ ҳақида чуқур тушунчага эга эмаслигини тўғри қабул қилиш керак. Шунинг учун ушбу соҳанинг афзалликларини тарғиб қилиш, компьютер ёки телефон орқали яхшигина даромад топиш имкониятларини тушунтириш, қишлоқда яшаб ҳам АТ орқали

“Ўзимча ўйлайман: АТни оддий тарғиб этиш учун нималар қилиш керак? Балки биз уни нотўғри тарғиб қилаётгандирмиз? Соҳани фақат кўп пул топиш йўли деб эмас, ҳаёт тарзимизнинг бир қисми сифатида тушунтиришимиз керакдир? АТ дастурлашгина эмас, турли касблар йиғиндиси эканини, қолаверса, бугун барча соҳада у борлигини кўрсатишимиз даркордир?”

пул топиш мумкинлигини мисоллар билан кўрсатиб бериш керак. Икки йилча аввал шу мавзуда дастурчи дўстим билан суҳбатлашиб қолгандик. Ушанда у қизиқ гапларни айтганди: — Бизнинг аксарият одамлар онгиди бой бўлиш учун, албатта, қора терга ботиб ишлаш керак, деган тушунча бор. Яъни бозорда савдо қилишнинг, бизнес ёки ишлаб чиқариш қилишнинг керак, деган фикр. Лекин жисмоний меҳнат бойлик эмас, тирикчилик йўли, холос. Қарасам, гапиди жон бордай. Фикрига қўшилиб-қўшилмай турганимни, аммо қизиқатганимни кўриб давом этди: — Бу эскича қараш, лекин ҳалигача жуда кенг тарқалган. Одамлар бой бўлиш учун жисмоний меҳнат қилиш шарт деб ўйлайди. Чунки илгари фақат шу йўл бор эди. Бугун дунё ўзгарди — ақлий меҳнат, технологиялар асосий бойлик манбаи бўлди. Мана қара, бизнес очиб ёки бозорда савдо қилиш учун қатта пул ва таваккалчилик керак. Ҳаммадаям шунча имконият бор деб ўйлайсаними? Ҳўп, бизнес ё савдо бошладиган ҳам дейлик. Аммо бир кунда 24 соатдан кўп ишлай олмайсан. Вақтинг, кунинг чекланган. Дастур ёзсанг-чи? Бир марта ёзсанг, минг марталиб ишлайверади. Ёки видеокурс тайёрлайсан — йиллар давомида сотилаверади. Веб-сайт яратиш ёки дизайн қилиш ҳам шундай: бир марта ишлаб чиқиб, доимий даромадни йўлга қўйса бўлади.



Унинг гапларидан амин бўлдимки, аслида, одамлар АТга қарши ёки бегона эмас, уларнинг аксарияти соҳани яхши тушунамади, холос. Масала ахборот технологиялари ҳақида эмас, биз уни қандай тарғиб қилаётганимизда. Демак, бу ерда айб шундай қарашдаги одамларда ҳам эмас, балки уни тарғиб қилаётганларда, аниқроғи, етарлича тарғиб қилолмаётганларда. Сўнг ундан АТни ўрганишни қаердан ва нимадан бошлаш кераклиги ҳақида сўрайман. Жавоби эса аввалги гапларидан ҳам қизик: — Одамлар АТни фақат дастурлаш деб ўйлайди, лекин ўзлари аллақачон ундан фойдаланиб келаётганини хаёлига ҳам келтирмайди. Оддий мисол: телефониди Google кидирув тизимидан маълумот излаётган одам рақамли дунёда ишлашни ўрганиб бўлган кишидир. У маълумот қидиришни ўрганмапти, ундан кейинги босқичларда ҳаракат қилапти. Tik-Tok, Telegram ёки Instagram ижтимоий тармоғига видео жойлаясан, дейлик — SMM устасининг иши ана шундай бошланади. Кейинчалик ўз устида ишлаб, такомиллаштириб бораверади. Кўп ёшлар телефонда расмга ёзув қўйиш, видеонинг ранги ё шаклини ўзгартиришни билади. Дизайнерликнинг бошланиши айнан шу. Ҳозир кўпчиликнинг YouTube ижтимоий тармоғида саҳифаси бор. Гарчи обуначилари



ва томошабини санокли бўлса-да, видео қирқиш, овозни монтаж қилишни билади. Видеомонтажчилик, ҳатто видеохўраирлик ҳам мана шу ишлардан бошланади. Ўқув курсига борсангиз, дастлабки вақтларда сизга шу ва шунга ўхшаш кўникмалар ўргатилади. Telegram ижтимоий тармоғида шахсий саҳифаси борлар ҳақида ҳам шу гап: бу айнан интернет маркетинг соҳасиди кўникманинг шаклланиб бўлганини билдиради. Унда контент менежери бўлиш имкони бори! Фақат унинг устида ишлаш, бир оз такомиллаштириш керак, холос. Биз нималарнидир онлайн харид қилаётганимизда электрон тижоратнинг қандай ишлашини тушуниб бўлган бўламиз. Демак, ўзимиз ҳам бу ишни қила оламиз. Бирор-бир ҳунар, масалан, тикувчилик ёки пайвандалишни яхшилаб ўрганиш учун ўртача 6 ой вақт кетади, дейлик. Агар одам ҳар кун 2 соатини АТни ўрганишга сарфласа, 6 ойда интернет орқали пул ишлаб болаш имкони, — деган эди суҳбатдошим. Кейин бу гапларнинг исботини кўп кўрдим. Касб юзасидан турли мутахассислар билан гаплашишга, интервьюлар олишга тўғри келади. АТ соҳаси мутахассислари билан гаплашиш ростида ҳам қизик. Ўзининг ишини пухта билади, бошқалар билан иши йўқ. Кўпчи алоҳида бир дунёда яшайдигандек туюлади менга. Кузатишларимдан хулоса қилганманки, кўпчилик дастурлаш, SMM ёки АТнинг бошқа йўналишлари учун, албатта, олий маълумот керак деб ўйлайди. Бироқ график дизайн, веб-дизайн, тестинг, дастурлаш, SMM каби соҳалар доим ҳам олий маълумот талаб қилмаслигини хаёлига келтирмайди. Ёки ахборот технологиялари билан шуғулланиш учун, албатта, инглиз тилидан хабардор бўлиш керак дейди. Бироқ график дизайн, мобил илова ишлаб чиқиш, веб-дизайн каби йўналишлар чет тилини кўп ҳам талаб қилмаслигини билмайди. Ёки бу соҳаларни ўрганиш учун, албатта, вилоят ва шаҳар марказларига қатнаш, доимий пул тўлаш ёки бир неча йиллаб вақт ажратиб керак деб ҳисоблайди. Бироқ ижтимоий тармоқлар ва сайтларда пул талаб қилинмайдиган ресурслар борлигидан беҳабар. Бу каби жиҳатлар ростида ҳам кўп. Аксарият одамлар АТни фақатгина дастурлаш, турли мураккаб алгоритмлар, рақамлар, жуда кам одам тушунадиган формулалар йиғиндиси деб

ўйлайди. Ҳолбуки, АТ фақат кодлаш ёки кодлар йиғиндиси эмас. Дизайн, маркетинг, видеомонтаж, тестинг каби тушунчалар мазкур соҳанинг асосини ташкил қилади. АТ билан шуғулланидиган одам математика ва инглиз тилини яхши билиш керак, деган қараш ҳам бор. Аслида, АТ билан шуғулланишни бошлаш учун оддий тушунчалардан хабардорлик ва бир оз ҳаётий тажриба етарли. Дастурчи бўлиш учун бир неча фанни қайта ўқиш, 10 йиллаб вақт кетказиш керак деб хаёл қиламиз. Бу ишни ёшларда ўрганиш керак, энди кеч бўлди, тинчгина қора меҳнат қилиб юргангизми яхши дейдиганлар ҳам топилади. Аммо ён-атрофимизда 40-50 ёшда АТни ўрганганлар, узоғи 2-3 йилда яхши мутахассис бўлиб шаклланиганлар ҳам бор. Энг асосийси, биз хато қилиб қўйилган кўрқамиз. Аммо исталган соҳани олиб кўринг, ўрганишни бошлаганда ҳамма ҳам хато қилади ва бу табиий ҳол. Ўзимча ўйлайман: АТни оддий тарғиб этиш учун нималар қилиш керак? Балки биз уни нотўғри тарғиб қилаётгандирмиз? Соҳани фақат кўп пул топиш йўли деб эмас, ҳаёт тарзимизнинг бир қисми сифатида тушунтиришимиз керакдир? АТ дастурлашгина эмас, турли касблар йиғиндиси эканини, қолаверса, бугун барча соҳада у борлигини кўрсатишимиз даркордир? Бу саволларнинг амалий жавоби тахминан қуйидагича бўлади. Аввало, АТ келажак касби эканини тушунтириш лозим. Камбағалликдан чиқиб кетишнинг энг яхши йўлиларидан бири АТ эканини оддий ва содда усулда тарғиб қилиш талаб этилади. Қишлоқда яшаб туриб, у орқали бой бўлганлар, яхши яшаётганлар ҳақида мақола-лар, интервьюлар, жонли очерклар тайёрлаш мумкин. Одамларнинг хаёлида “Шу одам удадабиди, мен ҳам қила оламан!” деган тушунчани пайдо қилишимиз керак. Ёки АТни ўрганиб, бозорда ишлагандан воз кечганлар, савдо-сотикни тўхтатганлар билан гаплашиш, суҳбатлар уюштириш ҳам самара беради. Ёшлар ўзига ўхшаганлардан андоза олади. Шунинг учун реал ҳаётдаги муваффақиятлар мисолларни келтириш муҳим. АТ орқали камбағалликдан чиқиб кетган инсонларнинг тарихи бошқалар учун ҳам зарур. Соҳа мутахассислари қанча даромад топиши мумкинлигини тушунтириш ҳаммадан қизиқтиради. АТ биз қила олмайдиган юмуш эмас, балки айни вақтда қилаётган ишимиз эканини тушунтира олсак, мақсадимизга бирмунча

эришган бўламиз. Юқорида таъкидлаганимиздек, биз АТ ҳақидаги бошланғич билим ва кўникмаларга аллақачон эгамиз. Қўлимиздаги телефонда кўп функцияларни бажара оламиз: сайтларга қирамиз, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларимизга турли медиа маҳсулотларни жойлай оламиз ва ҳоказо. Лекин буларнинг ўзи ҳам АТ эканини, айнан унинг бир қисмилигини билмаймиз ёки билишни кўп ҳам истамаймиз. Яқинда иш билан банкка бордим. Навбатимни кутиб ўтирибман. Ёнимдаги ёшгина йигит ноутбугини очиб, нималардир қилиб ўтирибди. Навбат кутаётганлар, ўша йигитдан бошқа барча телефон титқилаб ўтирибмиз. — Дастурчимизсиз? — сўрайман ундан. — Йўқ, “айтишник”ман, — деб бепарво жавоб берди у. — Ие? Бу нима дегани? — Дастурчи эмасман. Лекин шу соҳада ишлайман. — “Айтишник” бўлсангиз, давлат хизматлари, банк ишларининг ҳаммасини интернет орқали қила olasiz. Нера бу ерда навбат кутиб ўтирибсиз? — Валюта сотиб олгани келдим. Бунинг учун банкка келиш шарт. Лекин сиз, қўлингиздаги қорғоз қараганда, кредит тўлагани келгансиз. Сиз келишингиз шарт эмас эди. Ўйда ёки ишхонада ўтириб, телефон орқали тўлай олардингиз. — Кредит эмас, бўлиб тўлаш. — Униям телефон орқали тўласа бўлади. Ҳисоб рақами борми, бўлди-да. Ўзини Сардор деб таништирган йигит менга давлат хизматларидан электрон фойдаланиш билан қанча вақт ва пулни тежаш мумкинлигини оддийгина қилиб тушунтириб берди: — mu.gov.uz платформаси орқали жуда кўп давлат хизматларидан фойдаланса бўлади. Лекин кўпчилигимиз ҳали ҳам бу платформадан фойдаланишни билмаймиз. Одамлар қанчадир пулни ва ярим кун-бир кунлаб вақтини сарфлаб, давлат хизматлари маркази ёки ташкилотлар эшигиди навбатда туради. — Одамлар АТдан эмас, нотаниш нарсадан ҳайқимасмикан? Яъни “мен нотўғри бажараман”, “хато қилиб қўйишми мумкин”, “мен буни тушунамайман” деган фикрлар туфайли ундан фойдаланмас, балки? Йигит норози қиёфада бир қараб қўйиб, гапиди давом этади: — Бунисимиз тўғри. Одамларга маълумоти нотўғри киритиб қўйса, муаммо пайдо бўладиган ёки жарима қўлланадигандек ёки қорғоз шаклидаги ҳужжатни қўлга олмаси, у ҳақиқий эмасдек туюлади. Атрофдагилари фойдаланган ҳам бор. Энг асосийси, биз хато қилиб қўйилган кўрқамиз. Аммо исталган соҳани олиб кўринг, ўрганишни бошлаганда ҳамма ҳам хато қилади ва бу табиий ҳол. Ўзимча ўйлайман: АТни оддий тарғиб этиш учун нималар қилиш керак? Балки биз уни нотўғри тарғиб қилаётгандирмиз? Соҳани фақат кўп пул топиш йўли деб эмас, ҳаёт тарзимизнинг бир қисми сифатида тушунтиришимиз керакдир? АТ дастурлашгина эмас, турли касблар йиғиндиси эканини, қолаверса, бугун барча соҳада у борлигини кўрсатишимиз даркордир? Бу саволларнинг амалий жавоби тахминан қуйидагича бўлади. Аввало, АТ келажак касби эканини тушунтириш лозим. Камбағалликдан чиқиб кетишнинг энг яхши йўлиларидан бири АТ эканини оддий ва содда усулда тарғиб қилиш талаб этилади. Қишлоқда яшаб туриб, у орқали бой бўлганлар, яхши яшаётганлар ҳақида мақола-лар, интервьюлар, жонли очерклар тайёрлаш мумкин. Одамларнинг хаёлида “Шу одам удадабиди, мен ҳам қила оламан!” деган тушунчани пайдо қилишимиз керак. Ёки АТни ўрганиб, бозорда ишлагандан воз кечганлар, савдо-сотикни тўхтатганлар билан гаплашиш, суҳбатлар уюштириш ҳам самара беради. Ёшлар ўзига ўхшаганлардан андоза олади. Шунинг учун реал ҳаётдаги муваффақиятлар мисолларни келтириш муҳим. АТ орқали камбағалликдан чиқиб кетган инсонларнинг тарихи бошқалар учун ҳам зарур. Соҳа мутахассислари қанча даромад топиши мумкинлигини тушунтириш ҳаммадан қизиқтиради. АТ биз қила олмайдиган юмуш эмас, балки айни вақтда қилаётган ишимиз эканини тушунтира олсак, мақсадимизга бирмунча

ТАЪЛИМ ПРОФЕССОР МАКТАБДА ДАРС ЎТМОҚДА

Сурхондарё вилоятида мактабгача, мактаб ва олий таълим муассасалари ҳамкорлигини ривожлантириш, улар ўртасидаги интеграцияни янада мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Олтинсой туманидаги таълим сифати нисбатан паст мактабларга вилоятдаги олий таълим муассасалари бириктирилиб, уларда ўқитувчиларнинг сифат таркибини яхшилаш, таълим-тарбия жараёнларини самарали йўлга қўйиш бўйича тажриба ишлари бошланган. — Олтинсой туманидаги 54-умумтаълим мактабиди ҳозир 80 дан ортиқ педагог фаолият юритади. Кейинги вақтларда олий-гоҳларнинг мактабларга бириктирилиши тажрибаси ўз натижасини кўрсатиб, мактаб жамоаси ва ўқувчилар фаолиятида ютуқлар кўзга ташланмоқда, — дейди мактаб директори Рашид Холиқов. — Олийгоҳ профессор-ўқитувчилари мунтазам равишда мактабларга келиб, таълимдаги ўзгаришни янгиликлар, хорижий тилларни ўқитишнинг замонавий усуллари ҳақида маълумотлар беради, сўнгра фикр-мулоҳазаларни тинглайди. Ўқувчилар билан индидуал ишлабди. Профессор-ўқитувчилар ҳудуддаги 6 та мактабда бўлиб, мактаб жамоаси билан семинарлар ташкил этмоқда. Уларда, аввало, таълим сифатини ошириш, хусусан, чет тилларни ўқитиш бўйича илгор тажрибалар ҳақида сўз юритилмоқда.

— Ҳамкорликдан кўзланган мақсад ҳам умумтаълим мактаблари фаолиятини такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг касбий ва педагогик маҳоратини, ўқувчиларнинг илм-фан ва касб-ҳунарга қизиқишини ошириш, олий таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, мактабларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш ҳисобланади. Аввалига тажриба сифатида бошланган иш бугун самарасини берапти, — дейди ТерДУ ўқитувчиси Отабек Рашидов. Мамлакатимизда таълим сифатини ошириш учун барча имкониятлар ишга солиналгани келгусида меvasини бермасдан қолмайди. Мактабларга, шунингдек, танқидли олимлар, тадқиқотчилар ҳам бориб, илмий фаолияти билан ўртоқлашмоқда. Ёшларни таълимга, илмга қизиқтирмоқда. Олтинсойлик Абдумалик Урозов мактабни битириш арафасида иккиланиб турганда,

илмий изланишлар қилаётган тадқиқотчилар, олимлар кўлаб-қувватланиб, илмий фаолияти учун зарур шароитлар яратиб бериляпти, — дейди университет ўқитувчиси Мустафоқул Урозов. — Олимлар берилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, қишлоқ хўжалиги бўйича қатор тадқиқотларини амалиётга жорий этмоқда. Профессор-ўқитувчиларимиз, мустақил тадқиқотчилар ва талабалар билан биргаликда

мева-сабзавотчилик йўналишида ўзига хос янгиликларга қўл урган. Ҳозирги кунда Сурхондарёда бодомни маҳаллийлаштириш бўйича олимлар томонидан қатор тадқиқотлар олиб боришмоқда. Асосан, маҳаллий иқлим ва ҳудудий шароитларга мос келадиган бодом турларини танлашга алоҳида эътибор қаратилган. Айни пайтда мавжуд тажриба ушбу бодомнинг 4 тури маҳаллийлаштирилмоқда.

Сурхондарёда анор турларини ҳам кўпайтириш ва маҳаллий ҳудудларга мослашган навларни яратиш бўйича қатор тадқиқотлар олиб боришмоқда. Изланишлар давомида анор турларини кўпайтириш усуллари, шу жумладан, вегетатив кўпайтириш ва бир қатор агротехник тадбирлар орқали уларнинг ривожланишини яхшилашга эътибор қаратилляпти. Барча кўникмалар тажриба далаларида амалиётга татбиқ этилмоқда. Воҳада ўзлаштирилган кумли ерларда деҳқончилик қилиш учун ҳам тажрибалар ўтказилмоқда. Қўм барханлари сўғориладиган ерлар тоифасига кирмайди. Олимлар бундай ерларда қандай деҳқончилик қилиш мумкинлигини ўрганапти. Тажрибалар натижасида қўм барханларида етиштириладиган ҳақимликлар ва уларнинг ривожланиши ҳақида қимматли маълумотлар олиш мақсад қилинган. Мактаб ва олий таълим ўртасидаги узвийлик ортдан ўқувчиликдан талабалikka, талабаликдан илмий фаолиятга ёниб қираётганлар сафи ортди борапти. Умр йўлини илм йўли билан чоғштирган ҳолда иқтидорлар сони кўпайиб бораётгани ҳам бор гап. Бунга сабаб ёшлар сиёсатида давлат даражасида энг устувор масала сифатида қаралаётганидир. Келажакни ёшлар белгилайди. Кейинги йилларда таълимга алоҳида эътиборнинг негизиди бугунги таълимдаги ва шиддатли замонда ватанпарвар, билимли, кенг дунё-қарашли авлодни шакллантиришдек мақсад мужассам. Мухими ҳам шу, аслида.

Сарвар ТўРАЕВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

